

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАДОВ АКТАМҚУЛ РАФИҚОВИЧ

**ШАХС ЭСТЕТИК ИДЕАЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ МУАММОЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори(DSc)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) DissertationAbstract

Самадов Ақтамқул Рафиқович

Шахс эстетик идеалининг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари 3

Самадов Ақтамқул Рафиқович

Проблемы формирования и развития эстетического идеала личности..... 33

Samadov Aktamkul Rafikovich

Problems of forming and development of aesthetic ideal of person..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of works published 67

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАДОВ АКТАМҚУЛ РАФИҚОВИЧ

**ШАХС ЭСТЕТИК ИДЕАЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ МУАММОЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/Fal28 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz. ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Сафарова Нигора Олимовна**
фалсафа фанлари доктори, профессор
Агзамходжаева Саида Сабитхановна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Абдуллаева Насиба Бўроновна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2020 йил “__” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz. Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Ҳ.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
доктори (PhD), фалсафа ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси (DSc))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабати, ижтимоий амалиётлар таҳлил қилинганда идеал, ғоя, мақсад ва моделлар катта ўрин эгаллаши кузатилади. Шахс маънавий борлиғида, аввало, эпистемологик, гносеологик қатлами юзага келар экан, унда, албатта, ўзгармас, мукамал, намуна ва андаза сингари хусусиятларга эҳтиёж сезган. Бу бир томондан, шахс онгида экзистенциал бўшлиқни тўлдириб, иккинчи томондан, жамиятда инсоннинг яшашдан мақсади, интилиш уфқлари ва бахтли-фаровон ҳаёт кечириш идеалларини яратишга, комплекс ривожланиш моделларини ишлаб чиқишни кун тартибига қўйган. Ҳозирги кунда шахс эстетик идеалини шакллантириш ва унинг маънавий-мафкуравий, ижтимоий-маданий омиллар билан ўзаро таъсирлашишини тадқиқ этиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Дунё илм-фанида шахс феномени билан боғлиқ шундай муаммолар юзага келмоқдаки, уларнинг кўлами ижтимоий-гуманитар фанлар доирасидан чиқиб, табиий-илмий фанлар тадқиқот соҳалари билан интеграциялашмоқда. Шахс эстетик идеалини шакллантиришда санъат ва бадий маданиятнинг устуворлигини таъминлаш, экоэстетик идеални шакллантириш орқали атроф-муҳит соғломлигига эришиш каби муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотлар шулар жумласидандир. Шахс эстетик идеалини ривожлантиришнинг когнитив ўлчов моделларини яратиш, педагогик, аксиологик жиҳатларини қайта таҳлил қилиш, санъат ва спортнинг когерент боғланиши, ахлоқий-эстетик омиллар мезонини ўзгаришига қаратилган илмий тадқиқотлар натижасида замонавий илмий назариялар илгари сурилмоқда. Шунинг учун шахс эстетик идеалининг миллий ва умуминсоний хусусияти билан бирга замонавий методология, илм-фан ютуқлари ва идеологик омилларнинг таъсирини ўрганиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда олиб борилаётган шахс ва жамият ҳаётида туб ўзгаришлар ва янгиланишлар инсониятни абадий идеали бўлган адолатли фуқаролик жамияти сари илгарилама ҳаракатини ифодалайди. Эски методология асосида шаклланган идеаллар ўрнига фуқаролик жамияти талаблари асосида шаклланган шахс эстетик идеалини ривожлантириш долзарб масалага айланмоқда. «Юксак идеаллар йўлида фидоийлик кўрсатиб яшаш, ўзлигимизни англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш...эзгу фазилат эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни қадрлаймиз»¹. Шу нуқтаи назардан шахс эстетик идеалини ривожланиш тенденциясини қайта кўриб чиқиш, айниқса, шахс ахлоқий ва эстетик идеалини уйғунлаштириш, унинг ички тизимини янгича талқин қилиш, замонавий фуқаролик позициясига эга шахсни

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-Жилд. Т.: Ўзбекистон, 2018.-Б.181.

шакллантириш долзарб умумназарий масала ва объектив заруратдир. Хусусан, мамлакатимизда 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Харакатлар стратегияси» асосида олиб борилаётган изчил ислохотларда ҳам шахс эстетик идеалини ҳар томонлама ривожлантириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПҚ-3138-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида» ПҚ-3271-сон, 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари»номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Шахс эстетик идеалининг шаклланиши ва ривожланишини умумназарий, умумметодологик, праксиологик томонларининг ўзига хос хусусиятлари, шахс, жамият ва табиат тизимида эстетик идеални ривожлантириш бўйича илмий изланишлар жаҳондаги етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Institute of Humanities and Social Sciences (Польша), University of London (Англия), Indiana University Bloomington, University Pennsylvania (АҚШ), University Valahia Targoviste (Руминия), Russian State Social University (Россия) ва Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университетларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Шахс эстетик идеалининг шаклланиши ва ривожланиши, ахлоқий ва эстетик идеалнинг синкретик хусусияти, идеал ва унинг имманент белгилари,

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи: https://www.researchgate.net/The_Effects_of_Symmetry_and_Personality_on_Aesthetic_Preferences,<https://pdfs.semanticscholar.org/c10d/10df65d559a898f874af3f58e8e5cf915250.pdf>,<https://books.google.co.uz/aesthetic%20ideal%20of%20personality&f=false>,<https://pdf.sciencedirectassets.com/277> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

шахс эстетик идеалининг аксиологик, праксеологик жиҳатларига оид жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: шахс эстетик идеалининг шаклланишида ижтимоий-сиёсий идеаллар имманентлиги асосланган (Institute of Humanities, Social Sciences, Польша); шахс эстетик идеали ва ахлоқий идеалининг ўзаро таъсирлашуви аниқланган (University of London, Англия); инсоннинг табиатга эстетик муносабатини ривожлантириш асосида жамиятда соғлом турмуш тарзи сифатининг ортиши далилланган (Indiana University Bloomington, University Pennsylvania, АҚШ); шахс эстетик идеалини шакллантиришда санъат ва ахлоқий кадриятларнинг етакчилиги, санъат, шахс ва атроф-муҳит ўртасидаги мулоқот маданиятининг асоси эканлиги, шу билан бирга, шахс эстетик идеалини ривожлантиришнинг когнитив ўлчов моделлари асосланган (University Valahia Targoviste Руминия); шахс эстетик идеалини шакллантиришда мусиқа, санъатнинг ўрни ва уни ривожлантиришнинг педагогик асослари, аксиологик жиҳатлари, санъат ва спортнинг когерент боғланиши ишлаб чиқилган (Russian State Social University, Россия); шахснинг эстетик идеалини шакллантиришда ижтимоий, умуминсоний идеал, экологик онг, этномаданиятларнинг ўрни ва уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлари устуворлашиши тадқиқ этилган. (Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон)

Дунёда шахснинг эстетик идеалини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: шахснинг эстетик идеалини шакллантиришда санъат асарлари ва бадиий маданиятнинг устуворлигини таъминлаш; шахс экоэстетик идеалини шакллантириш орқали атроф-муҳит соғломлиги ва табиат туризмини ривожлантиришга эришиш; шахс эстетик идеалини шакллантиришда санъат ва спортнинг симбиозлиги ва ахлоқий-эстетика хусусиятлари ҳисобга олиниб, уларни бирлаштириш ва потенциал имкониятларини асослаш; шахс эстетик идеалини шакллантиришнинг интеграл хусусиятлари ва эстетик иммуненти барқарорлигини таъминлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда нашр этилган илмий-фалсафий адабиётларда шахс эстетик идеали ва ахлоқий идеалининг ўзаро синкретиклиги, шахс онгида симбиоз ривожланишига оид турли қарашлар илгари сурилмоқда. Эстетик идеал муаммосини ўрганиш фалсафий тафаккур тарихининг барча даврларида муҳим ўрин тутиб келган. Эстетик идеал муаммоси юзасидан олиб борилган илмий-тадқиқотларни шартли равишда гуруҳлаш мумкин. *Биринчи гуруҳдан* идеал тушунчасининг табиати муаммосини умумназарий жиҳатдан ўрганган мумтоз фалсафий манбалар, кенг кўламда ўрганилган идеал турларини қамраб олувчи илмий тадқиқотлар; *иккинчи гуруҳдан* инсон, шахс маънавияти ибтидосида ахлоқий, эстетик масалаларни қамраб олувчи диний-маърифий, аксиологик илмий тадқиқотлар; *учинчи гуруҳдан* эстетик идеалнинг миллий-этник хусусиятлари,

ижтимоий идеалнинг классификацияси, шахс эстетик маданияти, унинг жамият маънавий тараққиётидаги роли ҳамда илмий билимлар тизимидаги ўрни ўрганилган тадқиқотлар; *тўртинчи гуруҳдан* ҳозирги замон шахс эстетик идеалининг шаклланиш мезонлари, омиллари, ахлоқий ва эстетик идеалнинг имманентлиги, антитентлиги ҳақидаги илмий тадқиқотлар; *бешинчи гуруҳдан* эса ҳозирги замон фалсафасида шахс таълим-тарбиясига оид масалалар алоҳида ўрин тутиши, айниқса, унга этикалогик, экоэстетик муаммолар, маданий эврилишлар, «оммавий маданият»нинг таъсири катта эканлиги, шу билан бирга, шахс эстетик идеалининг шаклланишида илм-маърифат, санъат ва спортнинг ҳам таъсири масалаларига бағишланган тадқиқотлар ўрин олган.

Юқорида таъкидланган *биринчи гуруҳда* «Авесто»даги илк покланиш – фориғланиш, эзгуликни идеал триадаси, идеал, идеалнинг ахлоқ ва эстетика билан боғлиқ жиҳатлари ва улар тўғрисидаги қарашлар Сукрот, Афлотун, Арасту, А.Блаженный, Ф.Аквинский, И.Кант, Ж.Локк, И.Г.Гердер, Ш.Монтескьё, Ж.Ж.Руссо, Гегель, А.А.Бейли асарларида махсус тадқиқ қилинган. Сукрот, Афлотун ва Арасту асарларида «идеал» тушунчаси учрамайди. Аммо улар идеяга (ғоя) «шакл», «образ», «намуна», «тур», яъни «нарса, борлик» маъноларини англатувчи структуравий (тизимли) ўзига хосликни ифода этувчи¹ тушунча сифатида қарашган. Сукрот идеални эзгулик, олийжаноблик билан боғлиқ намунавий хулқ-атвор деб ҳисобласа, Арасту идеаллар одамларни ўзаро яқинлаштиради, деб таъкидлайди². Афлотун «етук жамият» ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашларини идея, адолат, тенглик, эзгулик, олижаноб ва донишманд подшоҳ каби «намуналар» билан боғлаган³. Маълумки, тасаввуф фалсафасида диний-ахлоқий идеал ўзининг тизимли назарий-фалсафий ғоясига эга бўлган. Немис классик фалсафасида эса инсон ақлини, тафаккурини мутлақлаштириш даражасига, идеал, мақсад ва орзуларни «соф ақл» фаолиятдан излашга олиб келди⁴. Коммунистик мафкура ҳукмронлик даврда идеалнинг мазмун-моҳияти кўпроқ синфийлик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган⁵.

Иккинчи гуруҳда муаллифлар идеалга кўпроқ психологик, аксиологик, ижтимоий-сиёсий нуқтаи-назаридан ёндашганлигини кузатамиз. XX аср охири ва XXI аср ўн йиллигида глобал муаммоларнинг кескинлашиши ва уларни бартараф этишнинг фалсафий асослари ахлоқий-эстетик идеалларни

¹ Платон. Собрание сочинений. В 4-х т. -М.:Мысль, 1990. Т.1 – С. 740.

² Аристотель. Метафизика. Ростов на-Дону, Феникс, 1999, -Б.48.

³ Платон. Сочинения. В 3-х т. -М.: Мысль, 1971. Т.3. Часть 1. - С.311-424.

⁴ Кант И. Критика чистого разума. - Ростов на Дону: Феникс, 1999. – С.648;

⁵ Гусейнов. А.А. Социальная природа нравственности.–М.:МГУ, 1974. – С.298; Дубровский Д.И. Проблема идеального –М.: Мысль, 1983. –С. 228; Дубко Е.Л. Идеал, Справедливость, счастье.–М.: МГУ, 1989. – С.190; Осичнюк. Е.В. Идеал и деятельность.- Киев.: Высшая школа, 1981. – С.177; Кадиров. А.К. Деятельность. Познание. Нравственный идеал. – Ташкент: Фан, 1989 – С.107; Фромм Э. Духовная сущность человека. Человек и его ценность. – М.: 1988. – С.365; Швейцер А. Культура и этика. / Мир философии. Часть 2. - М.: Политиздат, 1991. –С. 568; Франкл В. Человек в поисках смысла- М.: Прогресс.1990. – С.265;

янги мезонлар асосида кўриб чиқишни тақозо этди¹. Рухиятшунос В.Франкл идеални инсоннинг ҳаётдан маъно излаши билан боғлаган. У идеали ва ҳаётини мақсади бўлмаса, киши руҳида «экзистенциал бўшлиқ» юзага келади, деб хулоса чиқаради. Ҳаётдан маъно, идеал излаш барчага хос ҳолдир, аммо улар субъектив воқеликлар эмас, «уларни киши ихтиро қилмайди, балки объектив борлиқдан қидиради, шунинг учун улар рўёбга чиқарилиши шарт бўлган императив сифатида юзага келади», деб ёзади. Муаллиф идеалга аксиологик ёндашиб, унинг «универсал таъсирини» қайд этади, «инсон ҳар доим ўз идеалига етолмаса-да, унга интилиб» яшаши зарур деб кўрсатади.

Мустақилликдан сўнг мамлакатимизда эстетик идеални бадиий-фалсафий, аксиологик, культурологик тамойиллар асосида тадқиқ этиш ва уни шахс маънавий камолотининг мезони сифатида қарашга доир талайгина тадқиқотлар юзага келди. Бу борада Э. Юсупов, Й. Жумабоев, Х. Шайхова, Ҳ. Алиқулов, М.Абдуллаев, Н. Комилов, Қ. Назаров, Абдулла Шер, А.Эркаев каби файласуф олимларнинг тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш мумкин².

Учинчи гуруҳга эстетик идеалнинг миллий-этник хусусиятлари, ижтимоий идеални бир элементи сифатида иштироки, шахс эстетик маданияти ва жамият маънавий тараққиётидаги роли, шу билан бирга, унинг илмий билимлар тизимидаги ўрни ҳамда инсонпарварлик моҳиятига доир илмий тадқиқотлар мансуб. Эстетик идеал муаммоси фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа, этика, эстетика, дин фалсафаси шифрларида ўрганилган бўлиб, С.С.Агзамходжаева, М.Қаххорова, Р.Р.Бурнашев, М.Жакбаров, Э.М.Иззетова, Г.Наврўзова, О.Ғайбуллаев, Д.Нишонова, Р.Р.Замилова сингари тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган³.

Тўртинчи гуруҳга эстетик идеалнинг шахс тарбиясидаги ўрни, ахлоқий-эстетик идеалнинг имманент белгилари, антитентлик хусусиятлари, эстетик идеални таркиб топтиришда педагогик, ахлоқий ва бадиий асосларини замонавий методология асосида ўрганган тадқиқотчиларни киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотларда шахс онгида идеалнинг шаклланиши, этика ва эстетика илмининг замонавий муаммолари ўз аксини топган⁴.

¹ Берлен К. Стремление к идеалу // Вопросы философии. –М.: 2000. -№ 5; Brentano Ф. О происхождении нравственного познания. – СПб, Алетейя, 2000. – 227 с; Вадалазов Г. Идеалы и идолы. мораль и политика: история, теория, личные судьбы.- М.: Культурная Революция, 2006. – С.864.

² Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.–Тошкент: Университет, 1998. – Б.160; Шайхова Х. Назаров Қ. Умуминсоний кадриятлар ва маънавий камолот. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 1992.-Б.116; Алиқулов Ҳ. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006.-Б.60; Назаров Қ. Билиш фалсафаси (гносеология). –Тошкент: Университет, 2005. –Б.339; Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси. Т: 2004 – Б.196.

³Агзамходжаева С.С. Ижтимоий идеал ва Ўзбекистонда маънавий тараққиёт муаммолари: фалс.фан.докт.дисс. –Тошкент: ЎЗМУ, 2008. – Б.365; Қаххорова М. Маънавий идеал. Тошкент. Маънавият, 2008, Б.64; Иззетова Э.М. Проблема взаимоотношения научного знания и гуманистических идеалов. Автореферат дисс.дра.философ.наук. – Ташкент. 2002. – Б.49;

⁴Полякова Л.В. Этико-эстетический идеал в системе современного философского знания:автореф дисс..канд. филос. наук.– Тула: 2012. – С.27; Коптелов А.О.Феномен идеального (субстанциально-деятельностный подход) : автореферат дис . канд. филос.наук. – Н. Новгород, 2005 – Б.29; Шарановская Ю.В. Идеал

Бешинчи гуруҳга ҳозирги замон амалиёт шакллари фалсафасида шахс эстетик идеалининг шаклланишида санъат ва спортнинг синтезлашган, интегратив, конструктив жиҳатлари, шунингдек, шахс эстетик онгида спорт тафаккури, олимпизим руҳини шаклланиши, спортнинг антропо-эстетик жиҳатлари, жисмий гўзаллик эволюцияси, бадийлик ва ижтимоий-маданий хусусиятларини ўрганган тадқиқотчиларни киритиш мумкин¹.

Диссертация мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг 2017-2030 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2.5. «Фуқаролик жамияти қуришнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий муаммолари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шахс эстетик идеалининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари, синкретик ва антитентлик хусусиятлари, институционал ва функционал ўзгаришлар таъсирини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

идеал тушунчасининг илмий-методологик, назарий асосларини таҳлил этиш, шахс онгида ахлоқийлик ва эстетикликнинг бирикмаган-ажралмас хусусиятининг онтологик асосларини тавсифлаш;

шахс ахлоқий-эстетик идеалининг синкретик табиати, антиномик белгиларини ўзаро таъсирини фалсафий асослаш;

эстетик идеалнинг диний, ижтимоий-сиёсий идеаллар ва императивлар билан ҳамоҳанг ривожланиш диалектикасини кўрсатиб бериш;

фалсафий тафаккур тарихида ахлоқий-эстетик идеалга доир қарашлар, назариялар ва таълимотларнинг комил инсон ғояси билан алоқадорлигини таҳлил этиш;

шахс эстетик идеалининг шаклланиш даврлари, институционал ва функционал ўзгариб туришини қиёсий таҳлил қилиш;

шахс эстетик идеалининг шаклланишини этикалогик, экоэстетик муаммолари ҳамда восита ва омиллари ўрнини кўрсатиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида шахс эстетик идеалининг шаклланиши ва ривожланиши тизимига мувофиқ муаммолари олинган.

Тадқиқотнинг предметини шахс эстетик идеалининг шакллантириш ва ривожланиши тенденциялари, йўналишлари, омиллари, институционал тизими, уларни амалга ошириш усул-воситаларини аниқлаш ташкил этади.

целомудрия в нравственно-религиозномучении Л.Н. Толстого: автореферат дис. канд. филос. – Тула, 2011 – Б.27.

¹ Воронин Р. Е.Философско-эстетические и художественные аспекты танцевального искусства: спортивный бальный танец, вторая половина XX века.С. Петербург. Автреф.дисс.канд.искусств.наук.2007, С-26; Hilary Moss. Aesthetic deprivation: the role of aesthetics for older patients in hospital.the degree of Doctor of Philosophy Department of Medical Gerontology School of Medicine Trinity College Dublin.2014. P- 381; Marianne Bertelsen. Aesthetic encounters. Rethinking autonomy, space & time in today's world of art 1st edition 2016 PhD Series.P-166;

Тадқиқот усуллари.Тадқиқот жараёнида диалектика, синергетика, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, таққослаш ва умумлаштириш, социологик сўровнома, қиёсий таҳлил ва бошқа фалсафий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк марта «Авесто»да учраган покланиш тушунчаси диний ва ижтимоий амалиётларда концептуал аҳамият касб этиб, инсон ва табиат тизимида экологик софлик – гўзаллик мувозанати, инсоннинг маънавий-руҳий соғломлашиши, фориғланиши – эзгулик тимсоли сифатида янги маънавий парадигмага асос солинганлиги аниқланган;

шахс эстетик идеалини шакллантирувчи ички барқарор тизимининг намоён бўлиш шакллари (проекциялаш, моделлаштириш), типлари (лирик-эпик, макон-замон, композицион); категориялари (мутаносиблик, регламентлаш, абстракция, завқланиш, симметрия ва асимметрия); намоён бўлиш усуллари (бадий тўқима, фалсафий мавхумлаштириш, мантиқий конструкция, ҳиссий-эмоцияли таҳлил)дан иборат эканлиги очиқ берилган;

шахс ахлоқий-эстетик идеалининг синкретик (антиномик, универсал, мақсадга мувофиқ, қайтар боғланувчи) хусусиятлари бешта муҳим ташаббусдаги замонавий қаҳрамон образини яратиш ва тарғиб қилишда асос бўлиши кўрсатиб берилган;

шахс эстетик идеалининг шаклланишида санъат ва спортнинг конструктивлиги ёшларда тана ва маънавий-руҳий соғломликни яратиб, бешта муҳим ташаббусни фаоллаштиришда гносеологик, коммуникатив, ҳаётни эстетиклаштирувчи (праксиологик), эркин бошқарувчи, ижтимоийлаштирувчи, гедонистик, эвдомонистик, тарбиявий-белгиловчи, валеологик, бадий-композицион вазифаларни бажариши кўрсатиб берилган.

Шарқда диний идеалнинг ранг-баранг унсурлари (мувозанат, ассимметрия, ёлғизлик руҳи, мафтункорлик, ишора санъати, жиддийлик, содалик, табиийлик, муртлик) эстетик идеалга кўчиб ўтгани, Ғарбда эса диний идеал шахснинг покланиш-фориғланиш, тозаланиш чегараларини билдириб, макон ва замондан шахснинг ички дунёсига сингиб, унинг онгида декоративлаштириш, уйғунлаштириш, янгилаш, фориғлантириш вазифасини бажаргани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

шахс эстетик идеалининг шаклланишида эстетик онг даражаларига таъсир этувчи механизмлари ишлаб чиқилган ва амалий таклифлар берилган;

жамиятда шахс эстетик идеалини шакллантиришда институционал ва функционал ўзгаришлар таъсири аниқланган;

шахс эстетик идеалининг шаклланишида спорт ва санъатнинг конструктивлиги, ёшларда тана ва руҳият бирлигини яратишда бешта муҳим ташаббус юзасидан потенциал имкониятлар аниқланиб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақидаги тақриз, хулосаларда, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, эстетик идеални замоннинг глобал ва долзарб экоэстетик муаммолари ечимини топишга йўналтириб, кишилар онгида мутлақ гўзалликка, мақсад, ғояларга доир илмий дунёқарашини ривожлантириш, у асосда ахлоқий-эстетик гўзал муҳитни яратиш, санъат ва спортни ягоналигини ривожлантириш, уларнинг потенциал имкониятларини илмий-назарий бойитиш ҳамда олинган хулоса, таклиф ва тавсиялардан келгусидаги илмий фаолиятни бойитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унинг натижаларини ёшлар ахлоқий идеалини эстетикалаштириш ва эстетик идеалини ахлоқийлаштиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришга, Ўзбекистоннинг жаҳон фалсафасида муносиб ўрин топишга ҳаракат қилаётган илмий жамоатчилик ва мутасадди ташкилотлар фаолиятларига хизмат қилиши ва ёшларни мукамал шахс бўлиб вояга етишлари бўйича дастурлар ишлаб чиқишда, шунингдек ижтимоий-гуманитар йўналишидаги фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шахс эстетик идеалининг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини тадқиқ этиш асосида:

Авестода учраган покланиш тушунчаси диний ва ижтимоий амалиётларда концептуал аҳамият касб этганлиги, инсон ва табиат тизимида экологик софлик – гўзаллик мувозанати, инсоннинг маънавий-руҳий соғломлашиши, фориғланиши – эзгулик тимсоли сифатида янги маънавий парадигмага асос солинганлиги ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Миллий университетининг «Авестони тизимли тадқиқ этиш ва зардуштийлик хрестоматияси» мавзусидаги А-1-92 рақамли амалий лойиҳада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 89/03-4237-сон маълумотномаси). Натижада, амалий лойиҳанинг ижросини самарадорлигини таъминлашда назарий манба бўлиб хизмат қилган;

шахс ахлоқий-эстетик идеалининг синкретик (антиномик, универсал, мақсадга мувофиқ, қайтар боғланувчи) хусусиятларининг бешта муҳим ташаббусдаги ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантириш, замонавий қаҳрамон образини яратиш ва нигилизм ғоясига қарши курашишга доир

таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан “Маънавий-маърифий ишлар, миллатлараро тотувлик, спорт ва саломатлик йўналиши”, “Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган республика танловини ўтказиш” ва “Замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш ва тарғиб қилишни ташкил этиш” мавзуларидаги аҳоли ўртасида ўтказилган тадбирлар дастур лойиҳаси сценарийсини тайёрлашда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 21 ноябрдаги 04-13/5255-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни китобхонлик маданиятини оширишда, шахс бўлиб вояга етишишида, ахлоқий-эстетик ниглизмга қарши курашишда хизмат қилган;

шахс эстетик идеалининг шаклланишида санъат ва спортнинг конструктивлиги ёшларни маънавий-руҳий жиҳатдан соғломлаштиришда беш ташаббусни фаоллаштиришда ҳаётни эстетиклаштирувчи (праксиологик), эркин бошқарувчи, ижтимоийлаштирувчи, тарбиявий-белгиловчи ҳамда бадиий-композицион вазифаларни бажаришига оид амалий таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд вилоят бўлими томонидан “Фарзандлари соғлом юрт-қудратли бўлур” ва “Спорт соғлиқ гаровидир” мавзусида ўтказилган тадбирлар сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат Кенгашининг 2019 йил 19 ноябрдаги 02/014-1549-сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида, ёшларнинг эстетик идеални шакллантиришда асосан санъат ва спортнинг конструктив аҳамиятини англашига, мутолаа маданияти туфайли бадиий-эстетик тафаккури янада бойишига хизмат қилган;

Шарқда диний идеалнинг ранг-баранг унсурлари (мувозанат, ассимметрия, ёлғизлик руҳи, мафтункорлик, ишора санъати, жиддийлик, соддалик, табиийлик, муртлик) эстетик идеалга кўчиб ўтгани, Фарбда эса диний идеал шахснинг покланиш-форифланиш, тозаланиш чегараларини билдириб, макон ва замондан шахснинг ички дунёсига кўчиб ўтиб декоративлаштириш, уйғунлаштириш, янгилаш, форифлантириш вазифасини бажаргани ҳақидаги конструктив хулоса ва таклиф-тавсияларидан проф. О.М.Ғайбуллаев томонидан тайёрланган “*Milliy g'oya tarixi va nazaryasi*” номли дарслигининг “*Milliy g'oyaning shakllanish tarixi, uning namoyon bo'lish xususiyatlari*” деб номланган 2-бобини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 13 декабрдаги 89/06-129-сон маълумотномаси). Натижада, шахс ва жамиятнинг идеалини шакллантириш ҳамда ёшларнинг ахлоқий эстетик ривожлантиришга назарий манба бўлиб хизмат қилган;

шахс эстетик идеалини шакллантирувчи ички барқарор тизимининг намоён бўлиш шакллари (проекциялаш, моделлаштириш), типлари (лирик-эпик, макон-замон, композицион); категориялари (мутаносиблик, регламентлаш, абстракция, завқланиш, симметрия ва асимметрия); намоён

бўлиш усуллари (бадий тўқима, фалсафий мавхумлаштириш, мантикий конструкция, ҳиссий-эмоцияли таҳлил)ни қўллашга оид хулосаларидан Самарқанд вилоят мусикали драма театри илмий ижодий фондини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 6 декабрдаги 01-12-06-6118-сон маълумотномаси). Натижада, театр илмий-назарий фондини бойитиб, эстетик мезонларни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар режасини ва сценарийсини шакллантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 13 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилиниб, синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 20 та мақола (хусусан, 16 та республика ва 4 та хориж журналларида) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 261 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шахс маънавий борлиғида эстетик идеалнинг қадриятли-конструктив жиҳатларини ўрганишнинг назарий-методологик масалалари**» номли биринчи бобида идеал ва эстетик идеал тушунчаларининг фалсафий қадриятлар тизимидаги ўрни, шахс эстетик онгининг тузилишда эстетик идеални конструктив аҳамияти, шахс маънавий борлиғида ахлоқийлик ва эстетиклик синтезининг таҳлили тадқиқ этилган.

Барча фалсафий тизимлар уч қадриятли қатламдан иборат бўлиб, булар онтология, гносеология, аксиологиядир. Инсонни оламни билиши ва уни ўзлаштиришида қадриятли қатлами пайдо бўлиб, унда идеални ўрни бекиёсдир. Фалсафа тарихида идеалнинг келиб чиқишини тушунтиришга тўртта асосий ёндашув мавжуд: 1) ғайритабiiй омилларга мурожаат қилиш орқали идеални иррационал келиб чиқиш билан боғлаш; 2) туғма феъл-атвор идеалига боғлиқлик. Идеал тушунчаси фалсафага И.Кант томонидан киритилган бўлиб, файласуф идеални ақлнинг зарурий, юксак намунага

тўғри келадиган меъёри сифатида тавсифлайди (априори назарияси); 3) идеалнинг пайдо бўлишини бошқа идеаллар билан изохлаш (рационалистик идеализм); 4) идеалнинг пайдо бўлишини объектив ижтимоий воқеликнинг акси сифатида тушунтириш (тарихий материализм).

Умумназарий, фалсафий-онтологик ёндашувга кўра идеални бир қанча хусусиятларига кўра туркумлаштириш мумкин, яъни: 1) **тузлишига кўра** – билим-этикод, ғоя, назария-мақсад, моделлар ва кадриятлар тизимидан ташкил топади; 2) **таркибига кўра** – мавхум, хаёлий, конструктив-бунёдкор ва ғоявий-мафкуравий; 3) **эмоционал-руҳий даражасига кўра** – мотивацион, оптимистик, нигилистик ва скептик; 4) **тупига кўра** – диний, илмий, ахлоқий, эстетик, экологик, ижтимоий-сиёсий; 5) **инсон ҳаётидаги ўрнига кўра** – ўтмишни идеаллаштириш, шахс идеалини шакллантириш услубларини аниқловчи, илмий-бадий ижодда, санъат ва спортда мақсад ва мўлжал берувчи, идеални кадриятли хусусиятини ва уни шахс ҳаётида заруриятини асосланиши, инсон шахсининг доимий оптимистик, мотивацион, бириктирувчи-конструктив, ишончи-эпистимологик фаолият билан боғланган бўлади.

Кўп томонлама таҳлиллар асосида, идеал тушунчасининг конструктив, йўналтирувчи ва кўп функцияли хусусиятидан келиб чиқиб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин. *Идеал – бу инсон онгидаги нарса-ҳодиса, воқеа ёки зояларнинг мукаммаллигини, намуна, ўрнатки, мезон даражасидаги образ, фаолият даражасида мақсад, ҳаркатнинг доминант белгиси, миллий, умуминсоний, диний, ижтимоий-маънавий кадриятларда конструктив-мотивацион хусусият, шахснинг қобилият, эҳтиёж, фаолият тури, ёшига, жинсига нисбатан шаклландиган мукаммаллик намунаси, мутлақ ҳақиқат даражаси, гўзаллик, олижаноблик ва покдомонлик тимсолидир.*

Идеал ва эстетик идеал тушунчаларининг назарий-методологик масалалари таҳлилида, унинг ижтимоий-тарихий асосларини, шахс ва жамият учун заруриятини, ички мантиқий хусусиятларини аниқлаш илмий тадқиқотнинг мазкур қисмида асосий масалалари тарзида белгиланиб, уларнинг ечимини топишга бўлган ҳаракатлар қуйидаги хулосаларга олиб келган. Яъни: 1) идеал муаммоси қадимдан то ҳозиргача шахс маънавий борлигининг бахт, орзу ва гўзаллик бўйича изланишларининг марказида бўлиб келган. Инсоният идеални инсон ахлоқи ва ҳиссиёти тизимидаги ўрни ва унинг ривожланиши объектив зарурияти деб билган; 2) инсоният тарихи идеалларнинг икки йўналишда, икки хил вазият ва жараёнда шаклланиб, ривожланиб келаётганидан дарак беради: агар диний идеаллар ўз мазмуни ва йўналиши жиҳатидан муштарак характерга эга бўлса, ахлоқий ва эстетик идеалларда миллий, шахсий, индивидуал жиҳатлар, халқ ва миллат яшаётган табиий муҳит ва ижтимоий-тарихий анъаналарда ўз аксини топиб, тадрижий тараққиёт йўлини босиб келмоқда; 3) идеал назарий жиҳатдан ижтимоий-тарихий ғоя, образни, тимсолни тақдим қилади ва реалликка нисбатан шу идеални маълум қисмини миллий ижтимоий-иқтисодий моделларга,

маънавий-маърифий, тарбиявий дастурларга ишлатиб, маълум маънода идеаллаштирилган объектлардан назария, ривожлантириш моделларини яратади (масалан, комил инсон тарбияси, баркамол авлодни вояга етказиш дастурини); 4) эстетик идеал, ҳар жиҳатдан, аниқ-ҳиссий ифодалаш ёки тасвир тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, у моддий жиҳатдан ифодаланган шаклда мужассамдир.

Эстетик идеал чуқур мазмунли ва кенг кўламга эга. Эстетик идеал намоён бўлишига кўра ҳиссий, тажрибали ёки ҳиссий жиҳатдан ранглар билан бойитилган бўлиб, ҳиссиётлар ва тажрибалар унинг мазмунини ташкил қилади. Эстетик идеал воқелик ҳодисаларини эстетик нуқтаи назардан баҳолаш, ҳодисаларни субъектив равишда чиройли ёки мукамал деб танлаш қобилияти билан боғлиқ бўлган шахснинг эстетик фаолиятининг энг юқори мезони сифатида тан олинади. Шунинг учун эстетик идеал эстетик баҳо ва мулоҳазаларнинг мезон кўрсаткичи сифатида қабул қилинган. Юқоридаги таҳлиллар натижасида диссертацияда эстетик идеалга таъриф бериб ўтилган. *Эстетик идеал – шахснинг воқеликни бадиий-эстетик ўзлаштиришидаги ички барқарор тизими бўлиб, у ўзида шахс ва жамиятнинг эстетик тараққиётидаги симметрик ва асимметрик ҳолатини ифодалайдиган, унинг чегарасини ўзида акс эттирадиган, индивидуал тарзда ҳиссий-эмоционал, ижтимоий тарзда катарсис-форигланиш ҳолатини намоён этадиган категориядир.*

Диссертацияда шахс шаклланиш даври ва эстетик онгнинг тараққиёт босқичлари хусусида қуйидагича хулосалар чиқарилган: *биринчидан*, ижтимоий-психологик омиллар таъсирида бола, ўсмир ва ёшлик даврида эстетик онг ва уни унсурларини шаклланиш даври босқичма-босқич эстетик идеалга келиб тўқнашади; *иккинчидан*, шахс эстетик онгини шаклланиши босқичлар, даражаларга бўлиниб, улар ёш хусусиятига ва ижтимоий муҳит хусусиятларига боғлиқ бўлади; *учинчидан*, эстетик онг шаклланиш жараёнида бошқариладиган ва бошқариш қийин бўлган қадриятлар тизимига эга бўлиб, улар баҳовий ва дидга оид, бадиий-ижодий онги ости жараёнлари, ўз куч қудратини англаш-шахсий қадриятини ўсиши даврини ўз ичига олади; *тўртинчидан*, шахсий қадриятли қатламни шаклланиши ўз навбатида эстетик идеал, кумир, эталон, меъёр, модел сингари эстетик фаолликни кузатиш мумкин; *бешинчидан*, шахснинг эстетик қадрият ва эстетик воқеликка (ижобий ва салбий) муносабати шаклланиши жамиятнинг эстетик маданиятида етилган ижтимоий муаммолар бўйича баҳсли, муросасиз кураш, объект ва субъект мунозарасига киришиши билдиради. Чунки ижодкор, шахс ижтимоий муҳитни ўз ривожланган эстетик идеали призмасидан ўтказиб, гўзаллик ва хунуклик ўртасидаги чегараларни аниқлайди.

Ўтказилган сўровномада респондентларнинг шахс эстетик онгида эстетик идеал қандай ўрин тутиши ҳақидаги фикрлари ўрганилди. Респондентларга “шахс эстетик онгида эстетик идеал қандай рол бажаради деб, ўйлайсиз?” деган савол ташланди. Респондентлар эстетик онгда эстетик

идеалнинг ўрни конструктив аҳамиятга эга эканлигини (52 фоиз) тўғри кўрсатдилар. Ундан кейин бадий асар қаҳрамонларининг сифатини ташувчи (31 фоиз) ва бошқаларини кўрсатганлар. Респондентлар эстетик онг деганда бадий маданият, асар қаҳрамонларидаги драматик жараёнлар ва эстетик унсурларнинг шаклланишни тушунар эканлар. Лекин уларнинг кўпчилиги эстетик идеалнинг конструктив аҳамиятини аниқ кўрсатганлар.

Юқоридаги таҳлилларга кўра, эстетик идеални шаклланиши шахс эстетик онгида бир бутун ўзгариш ясаб, чизикли тафаккурдан ночизикли тафаккурга, эстетик онг унсурларини эски тартибланганлигидан янги тартиботни яралишига транс (олиб ўтувчи) вазифасини ўтайди. Инсоннинг эстетик идеални яралишига амалий ҳаракати ҳар шахс эстетик онгининг элементлари шаклланишига, кўп қиррали, мукамал ижодиёт маҳсули яратишга, эстетик онг тизимининг қатор хусусиятларини юзага келтиради: *биринчидан*, эстетик идеал шахс эстетик оламида конструктив ролни бажариб, эстетик дид, назария, қараш, қадриятларнинг қарор топишида, ўзаро ташкиллашишида асосий ролни бажаради; *иккинчидан*, ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг танловини амалга ошириб, ўз макон ва замонига мос институционал, функционал шакллари яратади; *учинчидан*, эстетик билимлар ҳиссий-перцептив ҳолатидан эътиқод (эпистимология)га айлантиришга ёрдам беради ва экзистенциал бўшлиқни тўлдиради; *тўртинчидан*, эстетик идеал ташкилий хусусияти туфайли эстетик онгда креативликни шакллантиради ва шахс эстетик ҳиссиётини, эстетик қарашини, эстетик дидини ривожлантиради; *бешинчидан*, эстетик идеал шахсда ижодий қобилиятни ривожлантиради ва амалий фаолиятига таъсир қилади.

Шахснинг маънавий борлиғи ахлоқий ва эстетиклик фалсафий дуализмга қиёсан бир вақтда амал қилиши, ҳиссий, рационал билим тажрибасини бирлиги сифатида майдонга чиқади. Чунки шахснинг индивидуал онги – бу мантиқийлик, ахлоқийлик ва эстетикликни ўз ичига олган учлик бирлиги билан белгиланадиган бир бутунликдир.

Ахлоқийлик ва эстетикликни синтезнинг концептуал аҳамиятига кўра, *биринчидан*, ахлоқшунослик, эстетика фанлари алоҳида тадқиқот объектига эгаллиги ва бу айрим нозик бирликни илғамасликни келтириб чиқараётгани, *иккинчидан*, ахлоқий ва эстетиклик аввало оламини, шахс маънавий оламини англашнинг бир тури эканини, онтологик, гносеологик нуқтаи-назаридан олганда битта макон ва замонда ўрганилаётган объектни ажралмас икки жиҳатини тадқиқ этилаётгани, *учинчидан*, бу бирикмаган-ажралмас икки тушунча айни пайтда инсоннинг маънавий борлиғини, бир мавжудотни ҳаракати ва ҳаракатсизлигини тадқиқ этаётганини унутмасликни, *тўртинчидан*, шахс маънавий-руҳий оламида эстетика муқаррар равишда ахлоқшунослик билан туташини назарий жиҳатдан асосланишини талаб қилади ва шахснинг маънавий-ахлоқий борлиғи эстетиклаштириш объекти бўлиб қолавериши алоҳида таъкидланади.

Диссертациянинг «**Шахс ахлоқий-эстетик идеалининг шаклланиши: синкретик ёндашув**» деб номланган иккинчи бобида ахлоқий идеал ва унинг фалсафий билимлар тизимидаги ўрни, эстетик идеал – шахс маънавий борлигида бадиий-маданий чизгилар сифатида, шахс ахлоқий-эстетик идеалига синкретик ёндашув масаласи тадқиқ этилган.

Диссертацияда ахлоқий идеал тушунчаси илмий муомалага И.Кант томонидан киритилганлиги ва у бир қатор ахлоқий вазифаларни бажариши келтирилиб, *биринчидан*, ахлоқий идеал инсоннинг олий борлиққа, моҳиятга қаратилган интилишларини англатиши; *иккинчидан*, идеал инсонни эстетик мулоҳаза юритиш лаёқати ва ўзлигини ахлоқий ифодалашини; *учинчидан*, идеал инсонни мақсадга мувофиқ ўз ақлий кучини ва ахлоқий мақсадларини бирлаштирувчи бир бутунлигини англатиши асосланган. Ахлоқий моҳияти ва ақлий салоҳиятини бирлаштириб – ахлоқий идеал кўринишида гавдаланишига катта туртки бўлганлиги хусусида тўхталиб ўтган. Диссертацияда шахс ахлоқий идеалини ўрганишни даврлараро (диахроник) ва бир вақтликлик (синхроник) ёндашув асосида тизимлаштирилган.

Диссертацияда ахлоқий идеал шахсий, миллий ва умумбашарий бўлишидан қатъий назар, икки хил хусусиятга эга бўлиши лозимлиги таъкидланиб: *биринчидан*, ахлоқий идеалнинг моҳиятини ташкил этувчи эзгулик, бахт, адолат, муҳаббат, ахлоқий гўзаллик меъзонлари, мутлақ поклик, инсонийлик, олижаноблик ҳақидаги тушунча, тасаввур ва намуналар миллий хусусиятлар билан умуминсоний қадрият қоришган ҳолда муайян барқарорликка даъво сифатида мавжуд бўлса, *иккинчидан*, воқеликнинг субъект онгидаги идеаллаштирилган образларини шахсий, миллий, мафкуравий эҳтиёжларни ифодаловчи воқелик сифатида ҳам ўзида акс эттиради. Бу нарса ахлоқий идеалнинг ижтимоий-тарихий шароит ва жамият маънавий-мафкуравий таъсирида бўлишини кўрсатади, деб хулоса қилинади. Диссертацияда шахс ахлоқий идеалининг ички, ривожлантирувчи тизими келтирилиб, бу биринчи навбатда, ота-она, оила ва унинг турмуш тарзи, маиший расм-русумлари, анъаналари (ижтимоий-педагогик омиллар) таъсирида шаклланиши; жамиятда мавжуд эътиқод муҳити, диний имон-маслак шахс ахлоқий идеалнинг ички тизимига, мазмунига ва мақсадига муайян йўналиш бериши, ҳаракат гаризонтини белгилайди, ахлоқий идеални йўналишига (диний омиллар) таъсир ўтказиши; шахс ахлоқий идеали инсон онги ва ҳис туйғуларининг тор ва кенглигига, чуқур ва саёзлигига монанд ҳолда қарор топиб: бунда ҳис-ҳаяжонли идрок ва эҳтиёж ахлоқий-эстетик идеал ёрқинлиги ва йўналишни белгилаши; табиат ва жамият ҳақидаги маълум кўникмалар асосида ахлоқий идеал танлаш, тақлид ва ихтиёрий интилиш, хоҳиш рағбати тарзида пайдо бўлиши (эстетик, праксиологик омил); инсоннинг ижодий фаолияти кенгайган сари шахс ахлоқий идеали тизимида миллат ва жамиятнинг маданий-маънавий даражаси билан боғлиқ эҳтиёж, тасаввур, мақсадлар кучаяди, шунингдек, ахлоқий идеал шаклланишида шахснинг индивидуал ақл-заковати, қобилияти, характери,

темпераменти ва иродаси катта аҳамиятга эга (компитентлик, лаёқат омили) бўлиши; билим-илм, тажриба, анъана ва турли фаолиятларни бирлаштирувчи дунёқараш шахс ахлоқий идеалнинг асосий мазмун-моҳиятини (гносеологик омил)ташқил этиши кўрсатиб ўтилган.

Диссертация бўлимнинг хулосавий қисмида ахлоқий идеал ва унинг ички тизимли тушунча эканлигини назарда тутиб унга шундай таъриф берилган: *ахлоқий идеал – ҳиссий-перцептив жиҳатдан одам ва олам муносабатлари асосида, муайян элат, халқ, миллат турмуш тарзи сифатида инсоният тафаккурида шаклландиган ибратли, етуклик, покланиш меъзонига даъвогар бўла оладиган хулқ-атвор ва олижаноб инсоний муносабатлар ҳақидаги тушунча ва тасаввурдир.*

Эстетик идеал жамият ва шахсга нисбатан ижтимоий-маънавий борлиқни гўзаллаштирувчи, маълум ғоявий қарашлар билан уйғунлаштирувчи, интеграциялаштирувчи ҳамда инсон учун зарур бадиий-эстетик қадриятларни қарор топтирувчи вазифасини бажаради. Эстетик идеал жамиятга нисбат олганда эстетик онгдаги мавжуд унсурларни умумназарий жиҳатини бойитса, шахсий даражада у мотивацион, конструктив вазифаларни бажаради. Эстетик идеал адабиёт ва санъатда йўналтирувчи, баҳоловчи, чегараловчи вазифаларни бажариб, томошабин, ўқувчи аудиториясини ҳиссий-эмперик ва бадиий-назарий билиш, ўзлаштириш даражасини тартибга солади, назорат қилади.

Шахс бадиий, маданий фаолияти, ҳаётий идеали, асл қадриятларини абстракциясини берувчи, ҳаётга нисбатан қарашларини мезонини белгиловчи, завқий муносабатини қисман ахлоқийлик асосида регламентловчи эстетик идеалнинг шахс ва жамият фаолиятида бир қатор функцияларини бажаришини кўрсатиш жоиздир: 1) **онтологик функцияси** – шахс маънавий борлиғининг мукамаллигини намоён этиб, умумназарий жиҳатдан янги тушунчалар билан бойитади. Шахс эстетик онгида экзистенциал бўшлиқни юзага келишига йўл қўймайди; 2) **гносеологик функцияси** – оламни эстетик меъёр, мезонлар асосида ўзлаштириш, ўз методологияси орқали билиш – эстетик тафаккур тараққиёти йўлларини англаш; 3) **эвристик функцияси** – маънавий борлиқни қайта янги эстетик усуллар ва воситалар орқали кашф этиши, ҳаётий завқланиш ёки зерикаш орқали янги билимлар, эстетик объектларни яратиши; 4) **аксиологик функцияси** – эстетик қадриятларни яратиш ва мақомини мустаҳкамлаши; 5) **праксиологик функцияси** – маданий-ижодий фаолият билан шуғулланишга йўналтиради (*санъат, спорт фаолияти, илмий ижод, бадиий ижод*); 6) **методологик функцияси** – эстетик фаолият усул ва воситаларини, дидни ўстириш йўлларини кўрсатиши; 7) **педагогик-дидактик функцияси** – замон шахсини шакллантиришда тарбиявий-коммуникатив, когнитив вазифаларни бажариши зарур.

Диссертацияда эстетик идеални ички, муҳим, заруруй боғланувчи сифатларини, ички тизимининг кўп жабхалилигини ҳисобга олиб,

куйидагича гуруҳлаштирилган: яъни I. Эстетик идеалнинг намоён бўлиш шакллари (*ўтмишга проекциялашган, ҳозирги замон буюрмаси асосида моделлаштирилган, келажакни белгиловчи*); II. Эстетик идеал типлари (*Лирик-эпик типи* (бадий-эстетик идеал, бадий асарлар мўлжали, эстетик мезон); *макон ва замон типи* (драматик жараён-театр, арена, стадион, спорт, идеал инсон, замон қахрамони); *Композицион типи* (лирик-эпик, сюжет, куй-оҳанг, макон, замон омилари бирлашиши); III. Эстетик идеал категориялари (мутаносибликни таъминлаш, ҳиссий регламентлаш, абстракциядан реалликка ўтиш, завқилик ва зерикарлилиқ ўртасидаги чегарани аниқлаш, симметрия ва асимметрия); IV. Эстетик идеал намоён бўлиш усуллари (*бадий тўқима, фалсафий умумлашма-мавҳумлаштириши, мантиқий конструкциялаш, ҳиссий-эмоцияли таҳлилини бадий-фалсафий асарлар ва романлар*).

Диссертацияда эстетик идеалининг ички тизими маълум асослар орқали шаклланиши келтириб ўтилган: эстетик идеал инсоннинг борлиқни ҳиссий-эмоционал, трансцендентал, эстетик ўзлаштиришга интилишининг диний-мифологик, назарий-методологик билимларининг мавжудлиги (онтологик асос); эстетик билимларнинг ҳиссий-перцептив ҳолатидан эътиқод (эпистимология)га айланиши, экспрессив дунёқарашни шаклланиши, эстетик онг доим креатив тафаккурга муҳтожлиги, рефлексиф-ижодий қобилиятнинг ривожлантиришга бўлган абадий ҳаракати (гносеологик асос); шахснинг умрбоқийликка, чексиз қудратга эга бўлишга, дунёни қайта ўзлаштириш ва ўзгартириш имкониятларини намоён қилиш, чексиз бахт (эвдомонизм), моддий ҳузур-ҳаловат (гедонизмга)га интилиш лаёқатининг мавжудлиги (аксиологик асос); шахснинг идеалида доим ахлоқий ва эстетик омилларни бирлашиб келиши, ҳиссий-рационал, инсоний императив ва эстетизмнинг антитентлиги, ҳис-ҳаяжонли идрок ва эҳтиёжларда ахлоқий-эстетик идеални бирлашиш имкониятларини мавжудлиги, табиат ва шахс муносабатларининг ахлоқий-эстетик идеал асосида тартибга солиниши (экоэстетика), танлаш, тақлид ва ихтиёрий интилиш, рағбатлантириш каби инсоний қобилиятларни мажудлиги (праксиологик асос); субъектнинг объектдан идеални аллақандай шаклланини қидиришга нисбатан ички кўрсатмасини мажудлиги, «нонукамал» образларни баҳолаш характеридаги эстетик идеалнинг ландшафтини мавжудлиги, санъатда бадий-образларни табиий қайта тиклашда қарама-қарши баҳоловчи мезонларнинг рад этилиши, қахрамонлар – идеал қирраларини ташувчанлиги, ижодкорларнинг келажакни бадий-композицияли проекциалаш, бадий-мавҳумлаштириш, фантастикага мойилиги (ретроспектив асос).

Ахлоқий-эстетик идеалнинг структураси ўз ичига қадриятлар архитектоникасини жамлайди ва айни пайтда улар инсонни аксиологик онги тизимининг таркибий компонентиدير. Ижтимоий онгнинг таркибий қисмлари бўлган эстетик ва ахлоқий онглари ўзининг таркибида доминант белгилари

– «идеаллар» мавжуддир, уларнинг ёрдами билан шахснинг бирдан-бир шахсий дунёқараши шаклланади.

Идеалнинг антиномик хусусияти, икки томонлама, қайтар боғланишга эга қарма-қаршиликда намоён бўлади: универсаллик-алоҳидалик, мутлақлик ва нисбийлик, умумийлик-айримлик, хаёлда-реал ҳаётда, шарт-шароит, зарурий-ғасодифий, трансценден-имманент, муҳим-аҳамиятсиз, дунёвий-диний, ҳақиқат-воқелик, ғайри табиий-табиий, мукаммал-номукаммал. Булар антиномик хусусият ягона моҳиятга эга бўлган идеалнинг шахс феномени тузилишида ахлоқий-эстетик идеал тарзда намоён бўлишидир. Ахлоқий ва эстетик идеалнинг синкретиклиги бир томондан шахснинг маънавий дунёсидаги қадриятларнинг ягоналиги бўлса, иккинчи томондан эса идеалнинг бирикмаган-ажралмас, инсоний хусусиятлари ҳисобланади. Шахс феноменини бир бутунлиги, уни яхлит шакллантириш, ривожлантириш муаммоси ҳозирги давр ижтимоий-гуманитар фанларини асосий тадқиқот предметиға айланиб бормоқда.

Диссертацияда шахс ахлоқий-эстетик идеалиға синкретик ҳодиса сифатида қараган ва ўз тадқиқотларида махсус ёндашувни амалға оширган мутахассислар қарашлари гуруҳланган.

Ахлоқий-эстетик идеалларнинг синкретик табиати, антиномик белгилари асосида диссертацияда қуйидаги хулосаларға келинган: *биринчидан*, ахлоқий-эстетик идеал, обектив борлиқни бир вақтнинг ўзида ҳиссий-эмоционал идрокда гўзаллик ва гармония (ёки уйғунлик)ни тушуниш ҳамда абстракт-назарий билишда эзгулик ва яхшилик тушунчалари орқали инъикос этилади; *иккинчидан*, шахснинг аксиологик онг доирасини кенгайтириш ҳамда ўзгартиришда ахлоқий-эстетик идеаллар алоҳида ўрин тутуди, модомики айни ахлоқий-эстетик идеаллар шахснинг мукаммаллик тўғрисидаги қадриятли тасаввурлари сифатида доимо ўз таркибига (ёки ичига) қиёслаш жиҳатини қамраб олади (эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуқлик тарзида) ҳамда хулқда, одатда ва инсонларнинг муайян ҳаётий вазиятида ахлоқий жиҳатдан танлаб олиш моделини белгилайди; *учинчидан*, ахлоқий-эстетик идеалиға синкретик ёндашув асосида уларнинг шахс онгида антиномик, икки томонлама, қайтар боғланиш, қарма-қаршиликда намоён бўлувчи (универсаллик-алоҳидалик, мутлақлик ва нисбийлик, умумийлик-айримлик, зарурий-ғасодифий, трансценден-имманент) хусусиятлари аниқланган; *тўртинчидан*, шахс ахлоқий-эстетик идеалининг синкретик (антиномик, универсал, мақсадға мувофиқ, қайтар боғланувчи) хусусиятлари беш муҳим ташаббусдаги замонавий қахрамон образини яратиш ва тарғиб қилишда асос бўлиши кўрсатиб берилган;

Диссертациянинг «**Шахс эстетик идеалининг диний ва ижтимоий-сиёсий идеаллар билан ўзаро муносабати**» деб номланган учинчи бобида, шахс эстетик идеалининг диний идеал билан ўзаро алоқаси, фориғланиш-покланиш (катарсис) – шахс эстетик идеалининг трансформацион хусусияти

сифатида, шахс эстетик идеалининг ижтимоий-сиёсий идеаллар тизимида тутган ўрни таҳлил қилинган.

Ижтимоий ҳаёт мураккаблашган сари, инсон онги ва иқтисодий-ижтимоий билимлари ривожлаган сари одамлар хулқ-атворидаги ўзгаришлар, олам ва одам, инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар ахлоқий-эстетик идеалга бевосита эҳтиёж туғилишига сабаб бўлди. Одамларда «эзгулик» ва «ёвузлик», «гўзаллик» ва «хунуклик», «покланиш» ва «тубанлик» ҳақидаги тасаввур, тушунчалар шаклланди. Шундай қилиб, диний идеал билан паралел инсон эстетик идеали шаклланди ва одамлар ҳаёт тарзини белгилашда маънавий меъёр вазифасини бажара бошлайди.

Диссертацияда шарқона диний идеалининг шахс турмуш тарзи, эстетик идеалини шаклланишига катта таъсири кўрсатгани таъкидланиб, хусусан, ўрта асрлар япон санъати ва турмуш тарзида кузатиладиган эстетик идеал «мувозанатсизлик, ассимметрия ҳолати, абадий ёлғизлик руҳи, бурчак услуби, нарсаларни мафтункорлиги, ишора санъати, жиддийлик, лаконизм, соддалик, табиийлик, муртлик хусусиятини ўзида акс эттириб, аварэ гўзаллиги (мафтункорлик), юген гўзаллиги (сирлилик, махфийлик), саби гўзаллиги (қайғули), окаяси гўзаллиги (кулгилилик), ваби усули (сукунат, тинчлик, камтарлик), васаби усули (чуқурлик, сирлилик, қайғули)»¹ни қамраб олади, деб асосланган. Диний идеал япон халқининг бадий-эстетик турмуш тарзида кучли таъсир ўтказиб, ўзига хос шарқона сирли эстетик идеални шакллантирган.

Тадқиқотда ўрта асрларда яқин шарқ ва кейинчалик ғарб оламига кучли таъсир ўтказган насронийлик дини ҳам кишилар дунёқарашини, олам ҳақидаги тасаввурини ўзгартириб юборганлиги таъкидланади. Инсонни гўзал хулқли бўлишининг талаблари, диний идеалнинг ўнта талаби, биринчи навбатда, ўлдирма, ўғирлама, зино қилма, ёлғон гапирма деган талаблари «насронийлик ва ислом ахлоқий канонларининг муҳим таркибий қисмига, ахлоқнинг умуминсоний асосига айланди»².

Шарқ халқлари диний ва эстетик идеалининг такомиллида катта аҳамиятга эга бўлган ислом фалсафасининг йирик рационал ирмоқларидан бўлган исломий ахлоқий-эстетик идеал ва унинг Қуръони карим ва ҳадисларда баён этилган идеалга доир таъриф, тафсир ва ғояларини тадқиқ қилиш мумкин. Қуръони каримда «У – Яратувчи, (йўқдан) Бор қилувчи, (барча нарсага) Сурат (ва шакл) берувчи Аллоҳдир» каби мукамаллик ғояси борлиқда 99 та исмида сифатланиши орқали намоён бўлади. Исломга хос муҳим хусусият мукамаллик (идеал) ғояси ҳеч қачон тўлалигича битта ҳиссий идрок этиладиган ҳодисада амалга ошиши қийин. Шунингдек, илоҳий кадрият реал бадий қиёфаси орқали эмас, балки рамзийлик орқали бадий

¹ Муслим-заде Диляра Мирсамед кызы. Художественно-образное воплощение эстетического идеала в искусстве Автореф. дисс кан. фил. Баку 1994. – С.15.

² Гусейнов А.А., Апресян Р.Г. Этика. М., 2002. - С.73.

ифодаланди. Бу ерда ҳам ахлоқий-эстетик идеал синкретик тарзда учрайди. Натижада ахлоқий-эстетик идеал инсон борлигининг энг олий қадриятлари бўлган эзгулик, ҳақиқат, адолат, гўзаллик ва бошқа ижобий ғоялар, тасаввурлар билан уйғунлашиб инсон шахсида объективлашади ва қадриятли муносабат тусини олади.

Диссертацияда ислом дини ва маданияти мусулмон кишиси шахсиятини эстетиклаштириш, юксак ахлоқий идеалларга тўғри йўналиш олиб юриш, пайғамбар сийратидаги гўзал хулқлардан оғишмаслик сингари диний идеални тақдим этади ва шахсият бу диний идеалдан таъсирланиб ўз эстетик идеалини намуна, ўрнатки, ибрат, тимсол, намуна, меъёр, улуғворлик ва юксак ахлоқий, эстетик ғоялар билан такомиллашади. Диний идеал шахс эстетик идеалига яхлитлик, ягоналик ва мутлақликни (яратувчи Аллоҳ ягоналиги), мақсадсиз ва манфаатсиз гўзалликни (илоҳий, ботиний гўзаллик, Аллоҳ гўзалл жамолига интилиш), меҳр-муҳаббатни (илоҳий муҳаббат, ишк), субординация, тартиботни (коинот кенглигидаги Аллоҳнинг тартиботи), симметрия ва асимметрия (реал дунё синовли, нариги дунё руҳ осойишталиги, жаннат ва дўзах)ни тақдим қилган. Шарқона ва мусулмон шахси эстетик идеали шаклланиб, ривожланиб бориши натижасида (цивилизация ютуқларини ўзлаштирган ҳолда) диний идеал ўз характери бўйича ахлоқий императивларга яқинлашиб қолган.

Диссертацияда шахс эстетик идеалини шаклланишида покланиш, фориғланишга бўлган муносабати даврлар оша ўзгариб борганлиги маънавий парадигмаларни ҳам, ахлоқий-эстетик тартибот талабларини ҳам ўзгартириб юборганлиги таъкидланган. Хусусан, фалсафа тарихида Пифагор томонидан қўлланилган катарсис-фориғланиш тушунчаси инсоннинг олами гўзаллик орқали ҳис қилиши, қалбан покланиши сингари маъноларни англаган. «Катарсис» атамаси юнонча *katharein* феълидан олинган бўлиб, покланиш, тозалаш деган маъноларни англатади. Бу тушунча Юнон мутафаккирлари Гомер, Эмпидоклар ижодида танани жисмоний, моддий тозаланиши, руҳни покланиши тарзида учраса, «Афлотуннинг «Софист», «Федон» диалогларида танани жисмоний ўсишидан маънавий-руҳий фарқланиши ва тананинг гўзаллигидан руҳни гўзалликка томон ҳаракатланиши маъносида қўллаган»¹. Бироқ бу тушунча Арастунинг қарашларида назарий маънога эга бўлиб, тизимли ривожланиши, воқеани фожеали тушунишга катта эътибор қаратилган.

Диссертацияда қадимги Юнон эстетик тафаккуридан то ҳозирги постмодернизм бадий-эстетик тафаккуригача бўлган вақтда катарсис – фориғланиш ҳолатига диахроник ва синхроник ёндашувлар бўйича хулосалар келтирилган: *биринчидан*, ғарб оламида покланиш – фориғланиш ҳолати томоша макони, спорт ареналаридан (қадимги театр, қадимги спорт мусобақалардан) шахс ва жамият муҳитига (одам-инсон-шахс-жамият

¹ Шестакова В. П. Катарсис: метаморфозы трагического сознания — СПб. : Алетейя, 2007. –С.9.

трансформацияси муҳитига) кўчиб ўтишгача бўлган даврни қамраб олган; *иккинчидан*, катарсис – фориғланиш анъанавий бадий-эстетик тафаккурда эстетик ҳодиса деб ҳисобланган бўлса, ривожланган жамиятларда эса бу катарсис ижтимоий-эстетик ҳодиса сифатида таърифланади. Бу ерда катарсис-фориғланиш ҳолатининг моҳияти шахснинг ички дунёсини декоративлаштириш, уйғунлаштириш ва янгилашдан иборат бўлган ақлий ҳаёт трансформацион ҳолат сифатида эътироф этилади; *учинчидан*, катарсиснинг ижтимоий таркибий қисми бу фориғланиш, покланиш жараёни бўлиб у ўзида ғоявий, ижтимоий идеалнинг етишмаслигини қоплайдиган, “ёмонини ёширадиган” ижтимоий муносабатларнинг шахсий шакли ҳисобланади; *тўртинчидан*, қадимги ва ўрта асрларда катарсис янги эстетик тушунча сифатида инсон шахсияти чегараларини билдириб, ижтимоий йўналтирилган категория сифатида майдонга чиққан. Шундай ҳолатларда инсонга шахсий етишмовчиликлар, яъни эркинлик, улуғворлик, яратувчанликни ўзида бўлишига эришиш ва бунга интилиш шахс эстетик идеалининг шаклланишига катта ёрдам берган; *бешинчидан*, ўтган даврларда шахс катарсис ҳолатининг асосий фалсафий-эстетик жиҳатлари кашф этилган, яъни, анъана ва маросимлар шахсни фориғлантирувчи олд-катарсис ҳолатини билдирган бўлса, шахснинг ижтимоий мавжудот сифатида кишилараро муносабатдаги жараён пост-катарсис хусусият сифатида эътироф этилган.

Диссертацияда эстетик идеалнинг ижтимоий-сиёсий идеаллар билан ўзаро муносабати акс этган параграфида шахс ижтимоий-сиёсий муҳит маҳсули сифатида идеалнинг бошқарувчи, сифатловчи, сараловчи вазибалари таъсирида ҳаётий эҳтиёжлар ва такомил рағбати, миллий ва умуминсоний белгилари вужудга келиши таъкидланади. Ижтимоий-сиёсий идеалларнинг яратилиши кўламига кўра шарқ ва ғарб ижтимоий-сиёсий идеаллари, шаклланиш манбасига кўра диний-мистик, метафизик, демократик, ҳаёт соҳаларини акс эттиришига кўра рационал ва утопик, социодинамик хусусиятига кўра этнопсихологик, этномаданий турларига бўлиш мумкин.

Тадқиқотчи диссертацияда ижтимоий-сиёсий идеалнинг шахс эстетик идеалига таъсирини беш йўналишда асослаган. Булар парманент, когерент, идеологик, праксиологик ва ўзаро таъсирланишдир. Ахлоқий-маънавий императивлар асосида шаклланиб келган эстетик идеал шарқ мутафаккирларининг теологик руҳда баён қилган инсон қалби ва онгида ҳурфикрлик тамойиллари, комил инсон ғояси, ахлоқий рационаллик, мавҳум тимсоллар эмас, балки, ҳаёт қадриятлари, инсоннинг моҳияти, руҳият сокинлиги, покланиш-фориғланиш, жамиятни кузатиш, ўрганиш натижасида инсонда туғиладиган билим, олижаноб фазилатлар бирлигини ифодаловчи тимсол, қиёфа, намуна сифатида талқин этилган. Ижтимоий-сиёсий идеал шахс эстетик идеалини шаклланишида эстетик лигитимлаштириш ва эманацияли таъсир ўтказиб, ҳокимият ва ҳукмдорнинг илоҳий бир-

бутунлиги, муқаддаслиги, ҳокимиятда илоҳий актсиз шахсни пайдо бўлиши, ҳокимият асимметриясини юз бериши, халқ сиёсатчилари, қонуний ҳокимият элитар қатлами шаклланиб, ижтимоий-сиёсий идеаллар шахс эстетик идеалига тесқари пропорционал таъсир ўтказганлиги аниқланди. Ҳокимият гўзаллик ва хунуқлик манбаси сифатида гавдаланиб, синфлар, гуруҳлараро конфликт, урушлар натижасида ер юзида фоживийликнинг акс эттирган.

Мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий идеаллари шахс эстетик идеалини шаклланишида оптимистик руҳ, жозоба, қўп қиррали тафаккур бахш қилган. Ҳозирги кунда шаклланиш асоси гуманизм бўлган «Ҳаракатлар стратегияси»да адолат, инсонпарварлик, қонун устуворлиги асосий тамойил бўлгани учун шахс эстетик идеалини ривожланишида оптимистик руҳ бағишламоқда.

Диссертациянинг «**Фуқаролик жамияти ривожланишида шахс эстетик идеалининг такомиллаштириш муаммолари**» деб номланган тўртинчи бобида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда шахс эстетик идеалининг институционал ва функционал ўзгаришлари, шахс эстетик идеалини такомиллаштиришнинг этикалогик, экоэстетик муаммолари, шахснинг эстетик идеалини ривожлантиришда спорт ва санъатнинг конструктив жиҳатлари, потенциал имкониятлари тадқиқ этилган.

Шахс маънавиятидаги кучли ўзгаришлар, кескин бурилишлар замон ва макондаги тараққиёт билан боғлиқ бўлиб, у ислоҳотлар ва ижтимоий-сиёсий фаолият билан паралел ривожланади. Аниқроқ қилиб айтганда, мазкур жараён “табиат-жамият-шахс” тизими муносабатларида объект (*реал воқелик, ахлоқий ва эстетик онг ички тизими*) ва субъект (*ижтимоий институтлар*) бирлиги тарзида қаралиши керак. Бунда субъект ва объект бирлиги, улардан бирининг иккинчисига таъсири ва акс таъсир этувчи кучлар муносабати шахс эстетик идеалининг шаклланишида намоён бўлади. Шунга кўра, шахс эстетик идеали бадий-эстетик фаолият натижаси сифатида муайян кучга эга бўлган қарама-қарши томон, кутблар (*субъект ва объектларнинг*) бирлигини таъминлайдиган мураккаб тизимларнинг ҳаракати ҳисобланади. Қарама-қарши томонлар (*ижобий ва салбий, гўзаллик ва хунуқлик*), айна пайтда, ҳиссий эмоционал, бадий-маданий, миллий-этник муносабат йўналишларининг бир-бирига ўзаро таъсири, уларнинг ҳар бири таркибида эстетик онг ва фаолият ички кутбланишларини юзага келтиради.

Дарҳақиқат, маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик, ижтимоий-сиёсий институтларнинг асосий функцияси жамият ва шахс эҳтиёж, манфаат ва мақсадларини уйғунлаштиришнинг ғоя, қараш, идеал, нормаларини умумий маънавий қадриятларга, мафкуравий фаолиятга айлантириш ва ушбу фаолиятларни уларни ўзлаштирилишига йўналтиришдир. Шунга кўра шахс эстетик идеали шаклланиш жараёнига бевосита дахлдор ижтимоий-сиёсий институтларни фаолият йўналиши ва доирасига қараб бўлиб чиқиш мумкин. Президент Ш.Мирзиёевнинг беш муҳим ташаббусининг инерцияси орқали ўзига хос институционал тизим шаклланимоқда: 1) маънавий-маданий (илмий,

диний, бадий-маданий фаолият, спорт фаолияти, эстетик объектларни ташкил қилиш ва бошқа) кадриятларни яратиш институтларига турли маънавий соҳа йўналишидаги ижодий уюшмаларнинг – ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, актёрлар, меъморлар, спортчилар, файласуфлар, экологлар ва бошқаларнинг ташкилотлари киради. 2) эстетик кадриятларни истеъмол эттириш, ўзлаштириш билан шуғулланувчи институтларга эса, узлуксиз таълим-тарбия тизими (мактабача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим), тарғибот-ташвиқот билан шуғулланувчи маданият ташкилотлари (ОАВ, спорт ареналари, театр бинолари, музейлар, туризм объектлари) ва бошқа муассасалар киради. Уларнинг таркибий тузилишлари, функционал иерархияси ўзаро алоқадорликда, бирликда шахс тарбиясида миллий-этник ва ахлоқий-эстетик мақсадни уйғунлаштириш, умумисоний эстетик идеал тизимида бағрикенглик (толерантлик), гармония (уйғунлик), атроф-муҳитни гўзаллаштириш тамойилларини ишлаш механизмларига хизмат қилади ва маълум маънода, объектив омил ҳисобланади. Шахс эстетик идеалини шакллантирувчи институционал ёндашув асосида шуни нарса аниқландики, ёшларнинг баркамоллиги айна пайтда таълим-марифий, маънавий-маданий, ташкилий-ҳуқуқий, илмий-педагогик иерархик тузулмасига эга бўлиб, юқоридаги беш муҳим ташаббусда акс этади.

Диссертацияда шахс эстетик идеалини шакллантиришнинг муаммоли томони сифатида этикологик ва экоэстетик муаммолар кўрсатилган. Бунинг асосий сабаби «жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий соҳаларида туб ўзгаришлар бўлиб, бу шахс ахлоқий ва эстетик онгида, миллий менталитетда ўзликни англаш, анъанавий ахлоқни қайта кўриб чиқишдек чуқур ўзгаришида акс этмоқда»¹. Дунёда анъанавий, умуминсоний ахлоқий ва эстетик кадриятлар, инсоний идеаллар катта қаршиликка учрамоқда. Дунё бўйича экологик муаммолар кўпайиб, илмий доира вакиллари уни сабаби сифатида инсониятнинг бефарқлашиши, миллий-маданий, диний-маънавий ўзагидан бегоналашиш сингари этикологик муаммоларни кўрсатмоқдалар

Экоэстетик идеал шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантириш жараёнида муҳим гносеологик функцияни бажараши мумкин, яъни: *биринчидан*, экоэстетик идеал ижодкор, конструктор ва сиёсатчининг ижодий ишида, табиий гўзалликни акс эттиришида ғоявий-мафкуравий йўналишини белгилайди; *иккинчидан*, «табиат-жамият-инсон» алгоритмик тизимини инсонни маргинал кайфиятига эмас, балки экологик муносабатларда бадий образларда, мифологик субординацияда типиклаштиради; *учинчидан*, табиат ҳодисаларини реал образларда тасвирлаш орқали, унинг ахлоқий-ҳиссий, эстетик-завқий аҳамиятини очиб беради; *тўртинчидан*, табиатнинг бадий-эстетик қийматини эвдомонистик,

¹ Иванчук А.П. Эстетическое сознание в структуре культуры кризисных эпох. автореф.дисс. кан.фил. наук.М.: 1995.-С.3.

гедонистик баҳолашга кўшимча сифатида унинг аксиологик, тарихий аҳамиятини кўрсатиб беради.

Шахс эстетик идеалининг экологик идеал билан функционал боғланиши, инсон ва жамият манфаатлари концентрланган шаклда намоён бўлиши муаммодан ечимга, экологик (ахлоқий ҳуқуқий) муаммолардан шартли равишда экоэстетик идеалга ўтишда ташланган илк қадамдир. Шундан келиб чиқиб, диссертацияда экоэстетик идеалга қуйидаги таъриф келтирилган. *Экоэстетик идеал – шахснинг табиатга эстетик муносабатининг барқарор тизими бўлиб, экологик гўзал борлиқ ва эстетик онг ўртасидаги симметрик ва асимметрик ҳолатни ифодалаб, шахснинг гедонистик, эвдомонистик қараишлари ва табиат гўзаллиги (бокиралиги), экспрессивлигини уйғунлашувини, ҳис-туйғуларини чегарасини ифодаловчи, фориғлантурувчи категориядир.*

Диссертацияда шахс эстетик идеалини шаклланишида санъат ва спортнинг ўрни ва уларнинг синтезлашган, интегратив, конструктив, диструктив жиҳатлари муаллифлар томонидан ижтимоий-маданий, ижтимоий-мифологик, педагогик-психологик, ахлоқий-эстетик воқелик сифатида ўрганишга асос бўлган. Спорт ва санъатни эстетик жиҳатлари ва уларнинг шахс эстетик идеалига ўзаро таъсирини, шахсни тарбиялашда ўзаро узвийлиги, спортнинг антропологик, эстетик жиҳатлари, жисмий гўзаллик эволюцияси, рақсни бадиий ўйин сифатида онтологик, гносеологик, феноменологик жиҳатларини, бадиийлик ва жисмийлик кесишган пластика тарзида, спорт ва санъатнинг шахсга нисбатан эстетик идеални шакллантирувчилиги, спортда гўзаллик ва хунукликни акс этиши бир қатор илмий тадқиқотларни вужудга келишига сабаб бўлган.

Тадқиқотда шахс эстетик идеалининг шаклланишида санъат ва спортнинг ўрни ва ролини аниқлаш мақсадида сўровнома ташкил этилган. Респондентларга «Спорт ва санъат ўртасида қандай ўхшашлик мавжуд?» деган саволга уларнинг 78 фоизи спорт ва санъат антик жамиятда илдизи ягона бўлган, деб жавоб берган бўлса, 65 фоизи ҳар иккала соҳа ҳам қатъий регламент, меъёр, инсон танаси ва ритмга эга, деган жавобни беришган, 46 фоиз респондентлар сахна ва арена регламентлари, тана ва маҳорат бирлиги жуда ўхшаш, деб беришган. Яна «Шахс эстетик идеалининг шаклланишида санъат ва спортнинг биргаликда кучини нималарда кўриш мумкин?» деган савол билан мурожат қилинганда, респондентлар санъат ва спорт соҳалари кишиларга завқ улашишида, дидини ўстиришида (61 фоиз), иккала соҳада ҳам тана ва маҳорат бирлаштиради (71 фоиз), деб билдилар. Эстетик идеал талаблари бўлган яхлитлик, синхронлик, рационаллик, ритмли ҳаракат, драматик жараён сифатида деб белгилаганлар ўртача 20 фоиз респондентни ташкил қилган.

Диссертацияда сўровномалар натижалари умумлаштирилиб, уч даражага бўлинган: биринчи даражада респондентлар умумий сифат кўрсаткичларига эътибор берган бўлиб, техник маҳорат, гўзаллик талаблари, эстетик воқелик,

кўнгил очувчи, уйғунлик, бадийлик сингари жихатларни қамраб олган; иккинчи даражада ҳаракатлар амплитудаси, индивидуал даража, нафосат-назокатлилик, моҳирлик, муסיкийлик сифатлари қамраб олинган; учинчи даражада респондентлар эстетик идеални шакллантирувчи, энг юқори маҳоратни, индивидуал ёндашувни талаб қилувчи мукамаллик белгиларини келтирилган бўлиб, улар динамик кучга эгалик қилиши, ҳаракатлар энгиллиги ва нафосатлилиги, юқори амплитудали ҳаракат, пластиканинг муҳимлиги, ёрқинлик, яхлитик-композиция, уйғунлик-гармония, рационал-аклий фаолиятда намоён бўлишини эътироф этишган.

Шахс эстетик идеалини шаклланишида санъат ва спортнинг конструктивлиги ёшларда тана ва маънавий-руҳий соғломликни яратиб, беш муҳим ташаббусни фаоллаштиришда гнеоэологик, коммуникатив, ҳаётни эстетиклаштирувчи (праксиологик), эркин бошқарувчи, ижтимоийлаштирувчи, гедонистик, эвдомонистик, тарбиявий-белгиловчи, валеологик, бадий-композицион вазифаларни бажариши асосланган. Шахсда эстетик идеални шакллантирувчи спорт ва санъат субъектлари, унинг институционал тизими айнан шу хусусиятларига кўра, жамият маънавий-маданий ҳаёти билан бевосита ва билвосита боғланиб, фаолияти “эстетикалашганлиги” билан характерланади. Шу жумладан, ёшларни маънавий-мафкуравий иммунитетини оширувчи институционал ташкилотлари ҳам кишиларнинг объектив ва субъектив эҳтиёжлари ва манфаатларини эстетикалаштириш асосида, ўзларининг мақомини мустаҳкамлаши, фаолияти кўлами ва самарадорлигини таъминлаши мумкин. Санъат ва спортнинг ютуқларини бирлашуви, конструктив аҳамияти шахс эстетик идеалида кечади. Мамлакатимизда санъат ва спортнинг симбиоз ривожланиш имкониятлари миллий-этник – этномаданий асос, инсон соғломлигини таъминловчи – валеоэстетик асос, томоша, фестивал, мусобақани уюштирувчи – этнотуризм инфраструктураси ва коммуникацияси – маданий туристик асосларни яратган. Булар шахс эстетик идеалини ривожлантириш учун потенциал имконият ва унинг инфраструктурасини яратишда қулай маконни ташкил қилиб беради.

ХУЛОСА

Диссертация мавзусида акс этган мазкур муаммонинг илмий тадқиқи қуйидаги назарий-методологик хулосаларга, уларни ҳаётга жорий қилишнинг амалий таклиф-тавсияларини ишлаб чиқишга олиб келди, яъни:

1) идеал инсон тафаккурида пайдо бўлади ва маълум (ижтимоий, сиёсий, мафкуравий) объектларни шу асосида реалликка кўчириб ўтказиш ҳолатлари мавжуд. Бу илмий билиш методи бўлган идеаллаштириш асосида амалга оширилиб, моделлаштириш идеаллаштириш натижаларини реалликка қисман тажриба йўли билан олиб ўтилади. Ўтмишни ёки келажакни қандайдир ғоя ва мафкура асосида идеаллаштирилиши, уни татбиқ қилиш,

реал воқеликни ҳисобга олмаслик, айна пайтда жамиятнинг барча соҳасини инқирозга етаклайди;

2) ахлоқий-эстетик идеалнинг онтологик хусусиятларини кўриб чиқиш асосида ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик учлигида намоён бўладиган идеалнинг синтетик моҳияти тўғрисида хулосага келиш мумкин. Антик даврдан бошланган Европа фалсафаси тарихида идеалнинг учлиги мавзуси умумий фалсафий мулоҳазаларда ўзига хос меъёр ва стандарт воситасини ўтаган;

3) идеал тушунчаси шахс маънавий борлигининг бахт, орзу, ибрат ва гўзаллик ҳақидаги билимларини марказида бўлиб келган. Инсоният ижтимоий тараққиётидаги мураккаблик идеал тушунчасини ички хусусиятларига кўра ажралиб чиқишига ва диалектик бирлик сифатида ривожланишига олиб келган. Натижада диний, ижтимоий-сиёсий, илмий, ахлоқий ва эстетик идеаллар ҳақидаги тасаввур, тушунча ва қарашлар шаклланган;

4) макон ва замондан қатъий назар идеал мураккаб ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида шахс онги ва руҳиятида чуқур из қолдиради. Мавжуд идеал шахснинг қобилият ва салоҳиятларининг, ҳаёт тарзи, оилавий анъана, диний расм-русумлар, бадиий-эстетик тажриба ва эҳтиёжларнинг рамзи, шахснинг ҳиссий ва интеллектуал тараққиёт даражаси, фаолият турлари, мулоқот ва муносабатлар характери, ўтмиш ва ўз давридаги ибратли шахслар тимсоли ва ҳоказо омиллар таъсирида шаклланган. Идеал индивидуал қиёфа, намуна, образ тарзида ҳар бир инсон қалби ва онгида шаклланади. Унинг тарбиявий моҳияти шундан иборатки, идеал ҳар бир шахсга табиат, жамият ва инсонга нисбатан шахсий муносабатларни олдиндан белгилашга ва шунга яраша ижодкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришда ўз тафаккур ва фаолият йўналишини белгилаб олишга имкон беради. Идеал у қайси шакл ва кимда бўлишидан қатъий назар, оптимистик характерга эга бўлади;

5) инсон онгида юксак хулқ-атвор, эстетикликнинг нормалари ҳақидаги идеал бўлмаса, у воқеликнинг оддий бажарувчиси ва иштирокчиси бўлиб, келажакка интилмайдиган, ўз маънавиятини кўламини белгилаб ололмайдиган, юксалиш меъёрини йўқотган, лоқайд, эскапистик шахсга, ижтимоий ҳаётнинг жонли, аммо бефарқ бир аъзосига айланиб қолади. Инсон маънавияти бирикмаган-ажралмас қисмлардан ташкил топган бўлиб, улар алоҳида-алоҳида ўрганилиши муаммони фақат бир томонлама ечимини беради;

6) И.Кант эмперик ҳодисалар туфайли туғилган ғояларни эмоционал идрок билан боғлаб тушунтирган бўлса, идеални эса тафаккурнинг априорли маҳсули сифатида таърифлайди. Чунки ғоя тажрибада синовдан ўтади, идеал эса инсон тафаккурининг янги манзилларини яратиш ва жамлашга, тизимлаштиришга даъват этади;

7) шахс ахлоқий-эстетик идеали маънавий-руҳий тузулишига кўра бирикмаган-ажралмас қисмларга эга бўлиб, уларнинг алоҳида-алоҳида ўрганилиши муаммога бир томонлама ёндашиш ҳисобланади. Эзгулик,

гўзаллик ва ҳақиқат мазмуни ва мезонлари борасидаги изланишлар, уларнинг шахс маънавий маданиятидаги ўрни белгилаш, алоҳидалаш, ягоналаштириш инсониятни қадриятли абадий ҳаракатдир. Ахлоқий ва эстетиклик шахс маънавий оламининг атрибути эканини, онтологик, гносеологик нуқтаи-назаридан олганда макон ва замонда ўрганилаётган объектни ажралмас икки томонининг акс этиши, бирикмаган-ажралмас икки тушунча, айна пайтда, инсонни маънавий борлиғининг асосини англатади;

8) эстетик идеал келиб чиқишига кўра индивидуал, таъсир доирасига кўра ижтимоий, тамойилларига кўра императивдир. Унинг бадиий ижодиётдан фалсафий тадқиқотга ўтиб бориши бадиий адабиётнинг фалсафий масалалар кўплигидан далолат беради. Инсон тафаккурида эстетик идеални яратишда кўпроқ ижобий хислатларга урғу берилса, бунинг акси бўлган салбий хислатлар орқали ҳам ўз идеалининг қиёфаси аслида қандай бўлиши керак деган саволга жавоб беради. Эстетик идеал нима гўзал, нима хунуклик деган саволларга жавоб бериб, айнан маълум чегарани ўтмишдан келажакка томон кўрсатувчи йўлчи юлдуздир;

9) шахс эстетик идеалини шакллантирувчи ички барқарор тизими намоён бўлиш шакллари (проекциялаш, моделлаштириш), типлари (лирик-эпик, макон-замон, композицион); категориялари қатлами (мутаносиблик, регламентлаш, абстракция, завқланиш, симметрия ва асимметрия); намоён бўлиш усуллари (бадиий тўқима, фалсафий мавхумлаштириш, мантиқий конструкция, ҳиссий-эмоцияли таҳлил)дан иборатлиги аниқланиши илмий ишнинг янгилиги сифатида эътироф этилган;

10) шахснинг аксиологик онг доирасини кенгайтириш ҳамда ўзгартиришда ахлоқий-эстетик идеаллар алоҳида ўрин тутди. Ахлоқий-эстетик идеаллар шахснинг мукамаллик тўғрисидаги қадрли тасаввурлари сифатида доимо ўз таркибига (ёки ичига) қиёслаш жиҳатини қамраб олади (эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунуклик тарзида) ҳамда хулқда, одатда ва инсонларнинг муайян ҳаётий вазиятида ахлоқий жиҳатдан танлаб олиш моделини белгилайди. Ахлоқий-эстетик идеаллар инсон, кишиларнинг катта ижтимоий гуруҳлари ва бутун даврларнинг ахлоқий ва эстетик тажрибасининг умумлашмасидир;

11) шахс ахлоқий-эстетик идеали синкретик хусусияти ижтимоий онгнинг илк даврларига хос бўлган ягоналик, инсон ва табиат уйғунлиги, бирга яшаши сингари омилларининг янги имкониятларини бериши мумкин. Инсон эстетик туйғуларини ривожлантирадиган бирдан-бир омил бу – санъат деб тушунилган бўлса, бугунги кунда оммавий спорт эстетик онгда санъатдан кам жой эгаллагани йўқ. Энди спорт ва санъат ҳамкорлиги шахс эстетик онгини янги марраларга олиб чиқишда конструктив восита ролини бажариши мумкин;

12) зардуштийлик, будда ва ислом динида эстетик идеалларга умрбоқийлик эзгулик, эзгу амал, эзгу ният қилиш, икки бир бутунликни мадҳ қилиш учрайди. Шарқона эстетик идеал талаблари бўлган мувозанат,

асимметрия, ёлғизлик руҳи, мафтункорлиги, ишора санъати, жиддийлик, содалик, табиийлик, муртлик хусусиятлари ўзида фориғланиш-покланишни акс эттирган. Хусусий жиҳатдан диний идеалнинг ранг-баранг унсурлари эстетик идеалга сифатий кўчиб ўтган;

13) Шарқ фалсафий меросида шахс эстетик идеали ахлоқий идеал билан бирга, антитентлик хусусияти билан қоришган ва бунинг натижасида комил инсон феномени шаклланган. Шахс эстетик идеали кўп босқичли эволюция натижасида покланиш-фориғланиш тарзида янада бойиб, диний ақидаларда фориғланишнинг шарқона ўзига хос маънавий-руҳий имкониятини, эстетик тафаккурида покланиш идеалини, тасаввуф ва турли таълимотларда руҳий-покланиш тажрибасини умумлаштирган. Диний институтлар, кўп босқичли тариқатчилик, миллий-этномаданий институтлар, таълим-тарбия муассасаларини такомиллашиб бориши натижасида инсон ва шахс эстетик идеалида миллий-этник тажрибалар умумлашган, умуминсоний ютуқлар ўзлаштирилиб ўзига хос эстетик тафаккур асослари яратилган;

14) ҳозирги таълим-тарбия тизимида шахс эстетик идеалини ўстириш механизмлари, турли босқичларида соғломлаштириш, турмушни эстетик ташкил қилиш субъектларини шакллантириш, атроф-муҳит билан дўстлашишнинг назарий-методологик, илмий асосларини яратиш ва бу борада педагогик-дидактик тамойилларини янгилаш мақсадга мувофиқдир. Эстетик идеални шакллантиришда инновацион усуллардан кенг фойдаланиш, шахсни тарбиялашда этно-эстетик, эко-диний, эко-эстетик маданият ютуқларини умумлаштириш ва буни таълим-тарбия тизимида акс эттириш мақсадга мувофиқдир;

15) шахс эстетик идеалини шаклланишида санъат ва спортнинг конструктивлиги ёшларда тана ва маънавий-руҳий соғломликни яратиш, беш ташаббусни фаоллаштиришда гносеологик, коммуникатив, ҳаётни эстетиклаштирувчи (праксиологик), эркин бошқарувчи, ижтимоийлаштирувчи, гедонистик, эвдомонистик, тарбиявий-белгилувчи, валеологик, бадий-композицион вазифаларни бажариши мумкин. Шахсда эстетик идеални шакллантирувчи спорт ва санъат субъектлари, унинг институционал тизими айнан шу хусусиятларига кўра, жамият маънавий-маданий ҳаёти билан бевосита ва билвосита боғланиб, фаолият соҳаларини «эстетикалашганлиги» билан характерланади.

Диссертацияда баён қилинган мулоҳазалардан, назарий хулосалардан қуйидаги амалий таклифлар ва методологик тавсиялар келиб чиқади:

1) глобаллашув даври хусусияти ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ОТМларнинг спорт соҳасидаги таълим йўналишлари ўқув режаларида «Спорт эстетикаси» фанини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Натижада талаба спорт ва санъатнинг жуда нозик муносабатларини, жисмий ва ақлий-руҳий боғлиқлигини англайди ва ушбу

узвийликни имманент хусусиятларини фалсафий таҳлил қилишга имконият яратилади;

2) мамлакатимизда Президентимизнинг беш муҳим ташаббуслари доирасидаги комплекс чора-тадбирлар талабалар учун ОТМлар ҳудудида кино-театр афишалари, санъат ва спортнинг шахсни юксалтиришини англатувчи (*шу олийгоҳга таҳсил олган талабалар, профессор-ўқитувчилар мисолида*) кичик музейлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир;

3) мамлакатимизда ОТМларининг педагогика таълим йўналишларида бадий маданият ва эстетик идеални шакллантириш мақсадида ўқув режаларида шахс эстетик онгини такомиллаштирадиган «Эстетик тарбия асослари», «Мутолаа санъати» каби фанларни киритиш, у орқали бўлажак педагогларнинг диди, савиясини ошириш имконияти туғилади

4) шахс эстетик идеалини детирминлаштирувчи омиллар ва эҳтиёжларнинг номуносиблиги инсон гедонистик эҳтиёжларини ахлоқсизланиши, «оммавий маданият»нинг мафкуравий, ахборот, таълим, тижорат, эстетик, психологик, ижтимоийлашув ва ҳаётийлик, эскапистик, кўнгилочар. функцияларни бажараётганлиги сабабли ахлоқшунослик ва эстетика фанларининг назарий ва амалий қисмларида эпистимологик ўзгаришларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

5) ахлоқий ва эстетиклик шахс маънавий оламининг атрибути эканини, онтологик нуқтаи-назаридан бирикмаган-ажралмас, антитенлигини ҳисобга олиб, Этика ва эстетика магистратура таълим йўналишида буни назарий-методологик, ўқув-услубий асосларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

6) шахс экоэстетик идеалини шакллантириш мақсадида санъат соҳасида, хусусан, театр саҳналарида драматурглар, режиссёрлар экология, атроф-муҳит софлиги, экологик маданиятни тарғиб қилувчи саҳна асарларини яратишлари ва унинг оммага намойиши маълум ютуқларни олиб келади.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ УЧЕНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САМАДОВ АКТАМКУЛ РАФИКОВИЧ

**ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЭСТЕТИЧЕСКОГО
ИДЕАЛА ЛИЧНОСТИ**

09.00.02 – Философия сознания, культуры и форм практики (Эстетика)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.1.DSc/Fal28.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, а также по адресу www.ziyonet.uz информационно-образовательного портала “ZiyoNet”.

Научный руководитель:	Гайбуллаев Отабек Мухаммадиевич доктор философских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Сафарова Нигора Олимовна доктор философских наук, профессор Агзамходжаева Саида Сабитхановна доктор философских наук, профессор Абдуллаева Насиба Бурановна доктор философских наук, профессор
Ведущая организация:	Бухарский государственный университет...

Защита диссертации состоится “___” _____ 2020 г. в ___ часов на заседании разовый ученый совет на базе ученого совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02. по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская бульвар, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz). Главный корпус Самаркандского государственного университета, 105-й кабинет).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного университета (зарегистрирована под №___). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020г.
(Протокол № ___ от «___» _____ 2020г.)

С.К.Каримов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета,
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD)

С.А.Чориев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В современном мире при анализе отношений между человеком, обществом и социальными практиками важную роль играют идеал, идея, цели и модели. Поскольку в духовном бытии личности, прежде всего, возникает эпистемологический, гносеологический слои, ему обязательно необходимы такие качества, как постоянство, совершенство, эталон и образец. Это, с одной стороны, заполняет экзистенциальный пробел в сознании личности, а с другой – ставит на повестку дня разработку сложных моделей развития, которые создают цель человеческого существования в обществе, горизонты стремления и идеалы счастливой и благополучной жизни. Сегодня формирование эстетического идеала личности и изучение ее взаимодействия с духовно-идеологическими, социокультурными факторами является одной из актуальных проблем.

В мире науки существуют проблемы, связанные с феноменом личности, масштаб которого выходит за рамки социальных и гуманитарных наук, они интегрируются с научными областями естествознания. К ним относятся научные исследования по таким вопросам, как приоритет искусства и художественной культуры в формировании эстетического идеала личности, достижение гигиены окружающей среды посредством формирования экоэстетического идеала. В частности, современные научные теории выдвигаются в результате научных исследований, направленных на создание моделей когнитивного измерения развития эстетического идеала личности, повторного анализа педагогических, аксиологических аспектов, когерентной связи искусства и спорта, и изменения в этических и эстетических факторах. Поэтому наряду с национальным и общечеловеческим характером эстетического идеала личности изучение влияния современной методологии, научных достижений и идеологических факторов имеет большое научное и практическое значение.

Коренные преобразования и обновления в жизни человека и общества, проводимые в нашей стране, представляют собой движение вперед в сторону справедливого гражданского общества, являющегося вечным идеалом человечества. Вместо идеалов личности, сформированных на основе старой методологии, актуальным становится развитие идеала, сформированного на основе требований гражданского общества. «Проявляя самоотверженность во имя высоких идеалов, осознавая себя, гордясь и возвышаясь, ради защиты наших национальных интересов... мы все хорошо знаем, что это благородная добродетель, и ценим это»¹. С этой точки зрения актуальным общетеоретическим вопросом и объективной необходимостью является рассмотрение тенденции развития эстетического идеала личности, в

¹ Мирзиёев Ш.М. Халкимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баходир. 2-Жилд. Т.: Ўзбекистон. 2018.Б.181.

частности, гармонизация нравственного, эстетического идеала личности, новая интерпретация ее внутренней системы, формирование личности с современной гражданской позицией. В частности, в последовательных реформах, проводимых в нашей стране на основе «Стратегии действий» на 2017–2021 годы, главной целью является всестороннее развитие эстетического идеала личности.

Диссертация в определенной степени служит во исполнение задач, отмеченных в таких нормативно-правовых актах, как Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-3138 «О повышении эффективности государственной молодежной политики и поддержке Союза молодежи Узбекистана» от 18 июля 2017 года, Постановление Президента Республики Узбекистан УП-3271 «О программе комплексных мероприятий по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и популяризации культуры чтения и чтения книг» от 13 сентября 2017 года, Указ Президента Республики Узбекистан ПП №-3160 «О повышение эффективности духовно-просветительской работы и выводе развития отрасли на новый уровень» от 28 июля 2017 года и другие.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники в республике. Диссертационное исследование было проведено в рамках приоритетного направления развития науки и техники в Республике Узбекистан: I.«Пути формирования и реализации системы социально-правовых, экономических и инновационных идей в информационном обществе и демократическом государстве».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹.

Теоретические, общеметодологические и праксиологические аспекты формирования и развития эстетического идеала личности, научные исследования по развитию эстетического идеала личности в обществе и в природе проводятся в ведущих научных центрах и университетах мира, в том числе в Institute of Humanities and Social Sciences (Польша), в University of London (Англия), в Indiana University Bloomington, University Pennsylvania (США), в University Valahia Targoviste (Румыния), в Российском государственном социальном университете (Россия), в Национальном Университете Узбекистана, и в Самаркандском государственном университете (Узбекистан).

Мировые исследования по формированию и развитию эстетического идеала человека, синкретических особенностей нравственно-эстетического идеала, идеала и его имманентных признаков, аксиологического и праксиологического аспектов эстетического идеала человека, привели к следующим результатам: обоснована имманентность социальных и

¹Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации: https://www.researchgate.net/The_Effects_of_Symmetry_and_Personality_on_Aesthetic_Preferences, <https://pdfs.semanticscholar.org/c10d/10df65d559a898f874af3f58e8e5cf915250.pdf>, <https://books.google.co.uz/aesthetic%20ideal%20of%20personality&f=false,https://pdf.sciencedirectassets.com/277> и других источников.

политических идеалов в формировании эстетического идеала личности (Institute of Humanities, Social Sciences, Польша); выявлено взаимовлияние эстетического идеала и нравственного идеала личности (University of London, Англия); на основе развития эстетического отношения человека к природе доказано улучшения качества здорового образа жизни в обществе (Indiana University Bloomington, University Pennsylvania, АКШ); обоснована лидерство художественно-нравственных ценностей в формировании эстетического идеала личности, основы культуры общения искусства, личности и окружающей среды, моделей когнитивного измерения развития эстетического идеала личности (University Valahia Targoviste Румыния); раскрыта роль музыки, искусства в формирование эстетического идеала личности и педагогические основы его развития, аксиологические аспекты, когерентная связь искусства и спорта (Российский государственный социальный университет, Россия); исследована роль социального, общечеловеческого идеала, экологического сознания, этнокультур в формировании эстетического идеала личности и приоритетности их социально-политических, правовых аспектов (Национальный университет Узбекистана, Самаркандский государственный университет, Узбекистан).

В мире проводится ряд исследований по изучению проблем формирования и развития эстетического идеала личности, в частности по следующим приоритетным направлениям: обеспечение приоритета произведений искусства и художественной культуры в формировании эстетического идеала личности; обеспечение развития здоровой окружающей среды и природного туризма через формирование экосистемного идеала личности; в формировании эстетического идеала личности, учитывающего симбиоз и нравственно-эстетические особенности искусства и спорта, объединение и обоснование их потенциальных возможностей; обеспечение интегральных особенностей и стабильности эстетического иммунитета в формировании эстетического идеала личности.

Степень изученности проблемы. В научно-философской литературе, опубликованной в последние годы, выдвигаются различные взгляды на синкретизм эстетического и морального идеала личности, симбиозное развитие в сознании личности. Изучение проблемы эстетического идеала играло важную роль во все периоды истории философской мысли. Исследования по проблеме эстетического идеала можно условно сгруппировать. *Первая группа* состоит из классических философских источников, исследующих природу идеала, общих и теоретических аспектов проблемы, и научных исследований, которые охватывают наиболее широко изучаемые идеальные типы; *вторая группа* включает религиозно-просветительские и аксиологические научные исследования, охватывающие моральные и эстетические проблемы в начале человеческой и личностной духовности; *третья группа* исследует национально-этнические особенности эстетического идеала, классификацию социального идеала, эстетическая

